

“Турухларга бўлиб дарс ўтиш” технологиясининг афзалликлари ва уни мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашдаги ўрни.

**С. Жасанова – таянч докторанти,
Жиззах Давлат Педагогика Институту**

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ижтимоий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга ошира бошлади ва ижтимоий тараққиётнинг янги даврини босжаб берди. Ислохотлар кенг қўламда, барча соҳаларда олиб борилди. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Биз нафақат сиёсий жабхани, балки иқтисодоётни ҳам, маънавий ахлоқий соҳани ҳам ислох қилишимиз зарур. Бу ғоят кенг қўламдаги ислохотлар бўлиб биз уларни комплекс тарзда хал қилиш орқалигина ўз мақсадларимизга эриша оламиз. Ислохотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, нечоқлик жавоб беришига тақалиб қолади. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил кесил ечиш билан чамбарчас боғланганлигини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас. Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик»¹, деб бежиз таъкидламаган эди.

Биз ХХI асрда ахборот ва хизмат кўрсатиш асрида яшаб келмоқдамиз. Ушбу тарихий жараёнда юз бераётган ижтимоий – иқтисодий ва ижтимоий - сиёсий ривожланишга кенг қўламдаги инновацион тенденциялар, фан, маданият соҳасидаги ўзгаришлар, ахлоқ, эстетика ва санъатнинг бошқа турларидаги номутаносибликлар чуқур таъсир кўрсатди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни асосий мақсади Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлай оладиган, жахоннинг илғор мамлакатлари даражасига кўтарилишига хисса қўшувчи дадил, мустақил фикрловчи, билимли, ижобий сифатларга эга бўлган кадрларни тайёрлаб вояга етказишни ташкил қилишдан иборат. Ҳар қандай мутахасис кадр бевосита таълим тарбия жараёнида шаклланади. Ана шу маънода мамлакатимизда таълимни ислох қилиш, унинг интегратсиясини таъминлаш ҳамда таълим жараёнига инновацион технологияларни олиб киришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Таълимда технологик ёндашувни қўллаш бир қанча имкониятларни яратиб беради:

- мақсадни аниқ қўйиш асосида педагогик жараённи эркин бошқариш;
- мавжуд амалий тажрибани амалиётда қўллашни таҳлил қилиш ва тизимлаш;
- таълим жараёнида шахсни шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шароитни таъминлаш;
- педагогик технологияларнинг нисбатан самаралироқларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш.

¹Баркамол авлод орзуси. Т.:ЎЗМЕ давлат илмий нашриёти 2000. 41 – бет.

Дарс жараёнида талабаларни фанга бўлган қизиқишларини оширишда, дарс давомида ҳамма талабаларнинг фаоллигини таъминлашда «Гурухларга бўлиб дарс ўтиш» жуда катта самара беради. Гурухларда дарс ўтишнинг анъанавий дарсдан фарқли жихатлари мавжуд бўлиб, қуйидаги қулайликларни яратиб беради:

Биринчидан, унда талабалар фаол иштирок этадилар, ҳеч бир талаба вазифасиз қолмайди;

Иккинчидан, талабалар топшириқни ечишда ўз ўртоқлари билан бирга қатнашадилар. Бунда бир бирларига фикр мулохазаларини айтишга ва бир – бирларини фикрларини тинглашга имконият туғилади ва улар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик юзага келади.

Учинчидан, кўпгина талабалар гурухларга бўлинишда шу гурух учун жавобгар эканликларини билганликлари холда уларда маъсулият ҳисси шаклланади.

Тўртинчидан талабалар гурухлардаги иш вақтида ўзларини анча эркин тутадилар, уларга имконият берилганлиги учун мустақил фикр айтишга (хатто у нотўғри бўлсада) ва мавзу устида мустақил фикрлашга имконият туғилади. Бу эса тортинчоқ ва уятчан болаларда ҳам ўзига нисбатан ишонч ҳиссини пайдо қилади.

Бешинчидан, бу таълим усули демократик жамият тамойилларига асосланган бошқаларни шахс сифатида ҳурмат қилиш ва бошқаларни фикрини тинглаш, ҳар қандай фикрга муносабат билдира олиш хусусиятини шакллантиради. Гурухларда ишлашнинг ўзига хос техникаси мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳар бир гурухнинг мавзу юзасидан ишлаш режасини тинглаш ва муҳокама қилиш зарур;

Иккинчидан, талабалар гурухларда ишлар эканлар қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишларини аниқ белгилашлари керак ва қуйидаги саволларга жавоб топшиш керак; « Нима учун талабалар шу мавзунини билишлари керак?», «Режалаштирганларимизни амалга оширишга ишончимиз комилми?», «Мақсадга эришиш учун ихтиёримизда қанча вақт бор?» ва ҳоказолар.

Режалаштирганда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ зарур:

вақт;

жой;

материаллар;

ёзма йўриқномалар;

гурухларда ишлай билиш;

Мавзу бутун гурухга тушунтирилгач вақт тақсимотини аниқлаб олиш зарур ва талабаларга буни аниқлаш лозим.

Гурухларда жой танлашда қуйидагиларга эътибор бермоқ зарур:

- талабалар аудиторияда эркин юра олишлари;

- гурух талабалари бир - бирини бемалол кўриши ва эшитиши мумкин бўлсин;

- мавзу юзасидан материал тарқатилиши керак;
- бошқа кўшимча адабиётлардан фойдаланиш учун қулайликлар бўлиши керак.

Материаллар қанчалик хилма – хил бўлса, улардан фойдаланиш шунчалик қизиқарли бўлади. Ёзма йўриқномалар беришда хар – бир талабага тушунарли тилда ёзилган топшириқлар билан бир қаторда оқ қоғоз варақаси ҳам берилиши керак. Талаба хар – бир топшириқни ўқитувчининг ёрдамисиз ўзи бажара олишига имконият бериши керак.

Гуруҳда мавзунини қай даражада бажарилиши ва талабалар томонидан англаниши йўриқномалар тузишга боғлиқ:

- Йўриқномалар тушунарли тилда ёзилиши керак;
- Топшириқ билан бирга қоғоз бир неча нусхада берилиши керак;
- Кутиладиган натижаларни аниқ кўрсатиш керак;
- Кутилаётган натижалар амалиётда текширилган бўлиши керак.

Талабаларнинг гуруҳларда иш олиб боришлари бир қанча мажбуриятларни юзага келтиради:

- гуруҳдаги хар – бир талаба бошқасининг гапига қулоқ солишли керак;
- мавзунини таҳлил қилишда хар – бир талаба иштирок этиши керак.;
- агар талабадан ёрдам сўраса гуруҳ аъзолари унга ёрдам беришлари керак;
- хар бир талаба ўзига ажратилган ролни аниқ бажариши керак;
- ўқитувчи ролларни белгилар экан талабаларнинг кучли ва заиф томонини эътиборга олиши керак;
- турли топшириқлар бажаришда талабалар ўз ролларини алмашиши хам мумкин.

Гуруҳий иш тизимини жорий қилиш ўқитувчининг иш услубига хам боғлиқ. Ўқитувчи гуруҳларда дарс ўтиш мобайнида ўз имкониятлари ва толерантлик чегарасини аниқ билиб олиш керак. Чунки гуруҳларда дарс ўтиш мобайнида талабаларнинг ўзаро баҳс – мунозараси ва тортишувлари аудиторияда шовқин ва бесарамжонлик туғдириши мумкин. Бундай ҳолда ўқитувчи болаларга талабаларнинг этикасини эслатиши ва сабр – тоқат билан талабалар баҳсини кузатмоғи зарур. Агар ўқитувчи дарсда тинчлик ҳукмрон бўлишини хоҳласа имкониятлар чегараланади.

Гуруҳларда ишлашда яқин чиқариш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- фикрлар, натижалар варақаларга ёзиб чиқилади;
- иш тугаганидан сўнг улар қандай янги кўникмаларни эгаллаганликлари, ишда қандай натижага эришганликлари гуруҳ билан бирга муҳокама қилинади;
- талабалар тажриба орттириб боришларига кўра нималарни ўргандилар ва нималарни ўрганишлари лозимлиги тўғрисидаги фикрлар эшитилади;
- гуруҳнинг хар бир аъзосини янги ечим ва фикрлари қайд этиб борилади;

- мавзуни ўрганиш жараёнида гуруҳ аъзоларида қандай янги фикр ва таклифлар туғилганлигини сўраб, уларни янги дарсда қўллаш мумкинлиги айтилади;

- якун чиқариш пайтида талабалар бошқа талабаларни иштирокини баҳолаётганлар уларга танқид қоидаларини ҳам ўргатиш керак.

Гуруҳларда дарс ўтишнинг ахамиятли жихатлари қуйидагилар:

яхлит нарса доимо қисмлар йиғиндисидан каттадир. Ҳеч ким ҳамма нарсани билмайди;

талаба ишга қўшадиган хиссасини ўзи белгилайди ва шунинг учун ҳам унда бажонидил иштирок этади;

стереотиплар парчаланadi;

хайрли осойишта муҳит талабалар ва ўқитувчилардаги стрессни камайтиради;

талабалар ўзларига кўпроқ ишонадилар;

хамкорлик ўзаро хайрихоҳликни рағбатлантиради.

Яна шуни ҳисобга олиш керакки, гуруҳларда фаолият кўрсатаётган талабаларнинг ёши, иқтидори, дунёқарашига ҳам эътибор бермоқ зарур. Бирданига талабаларга хулоса чиқаришга имконият бериш нотўғри, бунинг учун уларда баҳолаш мезонларини ўзлаштириб олиш имконияти бўлиши керак. Бу гуруҳларда дарс ўтиш мобайнида талабаларда танқидий тафаккур қобилиятини шакллантириш учун мунозарали саволлар бериш зарур чунки бу саволлар талабаларнинг билим даражасини аниқлашга ёрдам беради. Талабаларни мавзуни ёдлашга эмас унга муносабат билдиришга ўргатмоқ зарур. Ўқитувчи талабаларни уларга ўз фикрларини гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикри билан таққослаб, вазиятни таҳлил қилишга ундаш керак. Агар биз талабаларни фақат биздан эшитган ахборотларгина ва маърузалар матни асосида жавоб беришга ундасак, уларда мустақил тафаккур қобилиятини шакллантиришга ҳалақит берган бўламиз. Талабалар янги педагогик методлардан фойдаланиб, ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилишга, тафаккурнинг янги – янги мустақил усулларини ривожлантиришга, мақсадга эришиш учун, ижодий ва танқидий фикрлаш зарурлигини англаб етадилар.

Замонавий педагогик технологияда мавжуд бўлган барча усул ва методлар бугунги куннинг мустақил фикрига эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган. Мустақил фикр юритишни рўёбга чиқаришда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад қабилар вужудга келади ва улар шахс онгида тушунчалар, хулосалар сифатида ифодаланади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан ҳамроҳ равишда боғлиқ бўлади. Худди шу боис талаба ўзининг мустақил фикрлаши билан онгли ҳулқ – атори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан ажралиб туради. Талабанинг фикрлаш фаолияти ижтимоий хусусиятга эга. Инсоннинг ўзаро мулоқотга киришиши, муомала қилиши, муносабат ўрнатиши натижасида фикр билдириш, сўзлашув, билимлар юзага кела бошлаган. Талабаларнинг мустақил фикр юритиши бир қанча босқичларни ўз ичига олади:

1. Муаммонинг талаба идрок майдонида пайдо бўлиши;

2. Талаба томонидан муаммо, топшириқ моҳиятини англаниши;

3. Уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларни унинг онгида вужудга келиши;

4. Тасаввур ва хотира материалларини камайиши ва тахминларнинг узлуксиз туғилиши;

5. Фаразларни текшириш ва таққослаш;

6. Мавзу, топшириқ ёки муаммони ечимини топиш;

7. Фикрларнинг нисбий давомийлиги.

Ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида педагогик технологияларни қанчалик яхши қўллагани, унинг тарбиячи сифатидаги маҳорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарбиячи аввало талабалар қалбига йўл топа олиши керак. Педагогик технологияларни афзал томонлари дарс самарадорлигини оширишда бир қанча тамойилларга жавоб беришидир. Масалан: талабалар шу тарзда дарс ўтилганда мавзунини содда ва осон тушунадилар, эса қоларли ва қизиқарли бўлади, энг асосийси талабаларни ўз устида ишлашга даъват этиш билан бирга ижодий изланишга ҳам имконият беради. Ўқитувчи ва талаба ўртасида мустақил фикр алмашиш имкониятини туғдиради.

Талабаларнинг мустақил фикр юритишга ўргатиш учун муаммонинг маънавий, шаклий, тузилмавий, жабхаларини ҳисобга олган ҳолда эътиборни бир қанча масалаларга қаратмоғ зарур.

- бир муаммони ечиш учун бир неча усуллар берилиб, талабаларга мақсадга мувофиқ усулни танлашга имконият берилади;

- мавзунини ўрганиш жараёнида талабаларга мавзуга доир қўшимча манбаларни эркин танлаш имконияти берилади;

- муаммоларни ечиш мобайнида оддийдан мураккабликка ўтишга катта эътибор бериш керак.

Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, долзарблиги, универсаллиги билан талабаларни касбий тайёргарлик маҳорати сари етаклайди, жамият ва табиат ходисаларини англаш учун пухта негиз ҳозирлайди. Талабаларнинг мустақил фикрлаши тўла очилмаган имкониятларни очишга, фан техника тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади. Ҳар қандай янгилик, тараққиёт инсон ақл – заковатининг маҳсулидир, худди шу боис фан, техника ишлаб чиқариш ривожини кўп жихатдан мутахассиснинг фикрлашига боғлиқ. Бугунги кун талабасини аждодларимиз томонидан яратилган маънавий ва кадрларнинг эгаллиги билан бир қаторда, фан техника ютуқларини ўзлаштириб, ўз ақлий фаолияти билан мустақил давлатимиз илмий ва ижодий салоҳиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариши зарур.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёллар ижтимоий фаоллигининг ҳуқуқий асослари.

С. Джасанова – ўқитувчи ЖДПИ.

Хотин қизлар масаласининг ечими нафақат миллий ёки ҳудудий характер касб этади. Айни замонда халқаро аҳамиятга эга. 1995 – йилда Пекинда бўлиб ўтган, 4 – Жаҳон хотин – қизлар конференциясида халқаро хотин - қизлар ҳаракатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, хотин – қизлар аҳолини яхшилаш ҳақиқий гендер тенглиги давлат томонидан хотин – қизларни қўллаб қувватлаш ва химоя қилишдан иборат эканлиги таъкидланган. БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистон БМТ нинг “Хотин – қизларга нисбатан дискриминациянинг ҳар қандай шакллари йўқ қилиш ҳақида” ги Конвенциясига ва бошқа хотин – қизлар тенг ҳуқуқлилигини муҳофаза қиладиган халқаро шартномалар ва конференцияга аъзо бўлди. Ўзбекистонда хотин – қизлар аҳолини тенг ярмидан кўпини ташкил қилади. “Ўзбекистонда хотин қизлар аҳолини яхшилаш ва уларнинг ролини ошириш бўйича ҳаракатнинг миллий платформаси ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий чоралари” қабул қилинган. Миллий дастурнинг асосий мақсади: Хотин – қизларнинг тўла тўқис озодлигини таъминлаш, янги демократик жамиятни қуришда хотин - қизларнинг тўла қонли иштирокини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон

Хотин – қизларни кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб этиш йўллари белгилаш, улар томонидан амалий қўникмалар ҳосил қилишга кўмаклашиш; Республикаси президенти И.А.Каримов айтганидек, - “биз доимо жамиятда аёлларга муносабат қандайлигига қараб, жамиятнинг маданият даражаси, маънавияти ва бу жамият демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғликилгари кетганлигига баҳо берилишини доимо ёдда тутмоғимиз лозим”. Жамиятнинг ривожланиши ва такомиллашувида аёлларнинг ижтимоий аҳви масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Хотин – қизларнинг ижтимоий мақоми беқарор бўлиб, кўпгина омилларга, биологик, табиий, ижтимоий, сиёсий ва диний омилларга боғлиқ. Ҳозирги замон цивилизациясининг ибтидоси аёл номи билан боғлиқ. Матриархат даври хотин – қизларни аёл – қурувчи, аёл – қосиба, аёл – овчи сифатида мадх этади. Шуни таъкидлаш керакки, аёллар ҳуқуқи доимо ҳаракатда ва ҳар бир тарихий даврда тараққиёт жараёнини ўзида акс эттирди. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожини аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этди. Хотин – қизлар масаласини жамият томонидан идрок этилиши, 18 – асрда самарали амалга оширилди. 1787 – йилда файласуф маърифатпарвар Ж. А. Кондерси “Аёлларни фуқаролик ҳуқуқларига жалб этиш” номли мақоласини эълон қилади. Мақолада қуйидагича саволни қўндалан қўяди: “Қайси қонунга кўра аёлларни ижтимоий ҳаётдан четлатадилар? Ахир, улар миллатнинг бир қисми эмасми?”. Орадан икки йил ўтгач Олимпиа де Гуж Конвентга “Хотин – қизлар ва фуқаро аёллар ҳуқуқлари декларациясини тақдим этади: унда таъкидланишича “Хотин – қизлар қатл минорасига кўтарилиш ҳуқуқига

эгалар, демакки, улар трибунага хам кўтарила оладилар”. Жан Жак Руссо, Волтер, Дидролар аёл кишида эркак билан тенг матонатни кўрадилар. 18 – аср охирида француз маърифатпарварлиги таъсирида аёлларнинг ижтимоий мақоми кўтарилди, уларга ўқиш имконияти берилди. Император Екатерина хукмдорлиги замонида князь Дошкова хоним фанлар академиясининг жахонда биринчи аёл президенти лавозимини эгаллади. Аёллар учун Смольний ибодатхонасида илк ўқув даргоҳи- Смольний қизлар институти очилди. XIX асрнинг 30-йилларида француз адибаси Жорж Сант романлари пайдо бўлди. Асардаги кучли ва жасур аёллар образи феминистик ҳаракатга асос солди.

Шарқ аёлларининг озод қилиниши совет замонида ижобий ва салбий оқибатларга эга бўлган. Никоҳ ва оила ҳақидаги совет қонунлари купхотинликни, қалин тўлашни бекор қилди. Эркак ва аёллар тенглигини эълон қилди. Аммо худудда ўтказилган ўзгаришлар зўравонлик методлари билан амалга оширилганлиги учун реакция кайфиятдаги дин вакиллари ва аҳолини янги тартибларда жиддий қаршилигини келтириб чиқарди. Шахсий ҳаётга қўпол аралашув, янгича маданият ва мафкурага зўрлаб ўргатиш салбий ва кутилмаган оқибатларга олиб келди. Масалан, ”Хужум” сиёсий кампаниясининг фаолияти туфайли кўп сонли қурбонлар эвазига хотин-қизлар озод этилган. Аёлларнинг анъанавий мақоми – уй бекаси бўлишига индустриал замон янги бир касбни-ишлаб чиқариш захматкаши вазифасини кўшиб қўйди. Лекин бундай маъсулиятли икки вазифани бажариш учун аёлларга қўшимча имкониятлар керак эди. Чунки аёл жамият, меҳнат коллективи ва оила олдидаги вазифаларни бирдек уддалаши керак.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг хотин – қизларнинг роли ошиб бориши билан, хотин – қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий мақсадларини рўёбга чиқариш учун имконият берди. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги миллий ҳужжатларда хотин қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон республикаси конституциясининг 65 – модда 2 қисмида оналик ва болалик давлат томонидан химояланади деб белгиланган. Меҳнат ҳақидаги қонунларимизда хотин қизлар соғлигига хавф туғдирувчи оғир турдаги (460 дан ортиқ иш турлари), тунги сменада ишлаш ман этилади. Хомиладор аёллар, 3 ёшгача фарзандлари бор аёлларга қўшимча имтиёзлар белгиланган. Хотин – қизларнинг меҳнат таътили ва оналик бўйича нафақа ҳақидаги қонунчилик Ўзбекистонда бошқа ўрта осие мамлакатлари билан қиёслаганда улардан анча олдинда ҳисобланади. Оналик бўйича нафақа, унинг иш стажидан қатъи назар, оладиган маошининг 100%ини ташкил этади. Бу нафақалар ҳаққи хомиладорлик 30 ҳафтадан ошгач, тўлана бошлайди ва 126 кунни ташкил этади. Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида хотин – қизлар орасида ишсизлар сони кўпайди, уларнинг даромад манбаи қисқарди. Аёлларнинг уй рўзхор ва болаларга ғамхўрлик қилишлари, биринчидан, уларнинг эрларига нисбатан иқтисодий қарамлигини орттирди. Иккинчидан эса, ҳақ тўланмайдиган иш миқдори кўпайди. Хотин – қизлар учун меҳнат қилиш сохалари соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, санъат, илм – фан сохалари

хисобланади. Бу соҳаларда аёлларнинг улуши 70% - 86%ини ташкил этади. Гарчи олий маълумотли хотин – қизлар кўпчиликни ташкил қилсада, амал, мартаба нуқтаи назаридан эркаклардан орқадалар. Рахбар ходимлар орасида хотин - қизларнинг улуши 24,4%ни ташкил қилади. Айниқса, аёллар ҳокимиятнинг юқори органларида жуда озчиликни ташкил қилади. Мутахасислар орасида хотин – қизларнинг улуши 5,9%ни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2004 – йил 24 – майдаги “Ўзбекистон Хотин – қизлар кўмитасини қўллаб қувватлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар ҳақида”ги Фармони, сайловлар ҳақидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш, яъни 2004 – йил 27 – августда қабул қилинган қонунга кўра, хотин – қизлар учун сиёсий партияларда 30%ли квота киритиш каби чоралар хотин – қизлар фаоллигини оширишга қаратилгандир. 2004 – йил сайловлар ҳақидаги қонундан сўнг, хотин – қизлар миқдори 21 тага етди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Қонун чиқарувчи палатаси спикери аёл киши – Дилором Тошмухаммедовадир. Сенатда 15 хотин – қиз, яъни сенаторларнинг 15%ини ташкил этади. Ҳокимиятнинг ижро органларида хотин – қизлар 3,4%ни, суд ҳуқуқ соҳасида 23%ни ташкил этади. Омбудсман вакили Сайёра Рашидова бўлса, бош вазир ўринбосари Фарида Акбаровадир. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин – қизлар ва оилани ижтимоий ҳимоя қилишнинг нодипр тизими яратилди. Мустақиллик даврининг ижтимоий иқтисодий ўзгаришларида қуйидаги ҳолатлар юзага чиқади:

- Ислохотлар хотин – қизларнинг ўта фаоллигига ёрдам беради;
- Хотин – қизлар меҳнати янги давлатни қуриш жараёнида борган сари муҳим рол ўйнайди;
- Ўзбекистонда тарихан катта бўлмаган давр мобайнида хотин – қизларнинг ҳар қандай дискриминация ва иқтисодий эксплуатациядан муҳофаза қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди;
- Давлат томонидан аёл ва оила ижтимоий ҳимояга олинди.

Асримиз улкан ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар асридир. Ҳозирги пайтда аёл кишининг замонавий дунёдаги ўрнини белгиловчи янги муаммолар олдинга сурилмоқдаки, уларни ҳал этмай туриб, тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этар экан, аёлларнинг роли ва фаоллиги заруратга айланиб бормоқда. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, “Хотин – қизларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари йўқ қилиш ҳақида”ги халқаро конвенцияни имзолади ва ҳаракатнинг миллий платформасини ишлаб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистон хотин қизларининг ижтимоий фаоллиги ва жамият тараққиётидаги роли эркаклар билан тенглашиб бормоқда. Хотин – қизлар фаоллигига ҳалақит берувчи айрим ҳолатларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ:

Оналик кўп ҳолатларда хотин – қизларнинг эркаклар билан баробар ўз фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини чегаралайди. Бу эса, ўз навбатида уларнинг профессионал тарздаги тарзда қарор топиш имкониятларини торайтиради. Шунинг учун улар иқтисодиёт, ҳуқуқ,

соғлиқни сақлаш, маориф, сиёсат соҳасида камроқ лавозимларни эгаллаганлар. Иккинчидан ҳозиргача ижтимоий онгда устунлик қилаётган патриархал қарашлар ва уларнинг анъанавий жамиятда яшовчанлиги хотин – қизларнинг ўрнини камситмоқда. Ҳозирги кунда хотин – қизлар муҳофазасини амалга ошириш учун ва уларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кенг жалб этиш учун ҳаракат бормоқда. Масалан, “ЭКОСАН”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари киради. Фаол чоралар қаторига нодавлат хотин – қизлар ташкилотлари (Ўзбекистон хотин – қизлар қўмитаси, Тадбиркор аёллар асоциаси ва бошқалар) хотин – қизлар имконияти ва қобилиятини кенгайтириш уларни мустақил фаолиятини тўла қонли тарзда амалга ошириш учун ҳаракат олиб борилмоқда. Фаол чоралар қаторига, шунингдек, хотин – қизлар учун тадбиркорлик фаолиятида энг қулай шароитни яратиш, уларнинг даромадларини тез ошиши ва моддий жихатдан мустақилликларини яратиш тадбирлари ҳам киради. Хотин - қизлар фаоллигини орттиришда улар ижтимоий онгининг сустиги қийинчилик туғдирмоқда. Агар биз хотин – қизлар ижтимоий онгида янгича муносабатларни қарор топтира олсак, уларнинг ижтимоий фаоллиги ортиб боради. Бугунги кунда қишлоқда яшовчи хотин – қизлар шаҳарга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Қишлоқ аҳолисининг кўп фарзандга мойиллиги, қишлоқда даромаднинг пастлиги, қишлоқ оилаларида ҳаёт даражасининг пастлиги, қишлоқ хотин – қизларининг ишсизлиги ва бошқалар ечилиши керак бўлган муаммолардир. Хотин қизлар ижтимоий фаоллигини амалга оширишга ҳалақит берувчи жиддий тўсиқлар қуйидагилардир:

- хотин – қиз тадбиркорларни молиявий қўллаб қувватлашнинг чегараланганлиги (уларда кафолатли мулкнинг йўқлиги).

- Бозорда қатнашишнинг чегараланганлиги (маркетинг ва менежмент бўйича билимларнинг етишмаслиги, экспорт ва импортда божхона тўловларни расмийлаштиришдаги буюракратик жараёнлар).

- Музокаралар олиб боришда малака ва кўникмаларнинг йўқлиги.

- Ҳозирги замон технологияларидан хабардорликдаги нотенглик (хотин – қизларга технологик ахборотлар бериш).

- Бизнес юритиш малакаларининг етарли эмаслиги

Жамият ҳаётида хотин – қизларни ижтимоий фаоллигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга оширмоқ зарур:

- хотин – қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалаларини ўз ичига олган дастурлар ишлаб чиқиш;

- хотин – қизларни ўз – ўзини банд этиш ва тадбиркорлик ташаббусига кўмак бериш;

- туғриқ таътилидан қайтганда касбий билимларни қайта тиклашга ёрдам бериш;

- иш ўринларини яратиш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш.

Хотин – қизлар ижтимоий фаоллигини кенгайтириш мақсадида давлат даражасида қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- хотин – қизларни қайта ўқитиш марказларини ташкил этиш;

- янги иш ўринларини яратиш;
- халқаро банклар жамғармалар ва ташкилотларни хотин қизларнинг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб қувватлаш учун кичик имтиёзли кредитлар олиш имкониятларини ташкил этишга жалб этиш;
- энг янги технологияларни ўзлаштиришга қобил хотин - қиз тадбиркорларни тайёрлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;
- уй - фермер хўжаликлариغا солиқ солиш механизмини қайта кўриб чиқиш;
- кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги қишлоқ хотин – қизларини ривожлантириш ва рағбатлантириш;
- хотин – қизларга имтиёзли кредитлар беришни давом эттириш;
- хиссадорлик асосида хотин – қизлар банкни ташкил этиш;
- ННТ типидagi нодавлат структураларни тузишни рағбатлантириш;
- хотин – қизларнинг давлат бошқарув структураларидаги ролини ошириш ниятида ҳамда хотин қизларнинг сиёсий, қонунчилик ва ижрочилик жараёнларида қарорлар қабул қилиш даражасида кенг қатнашувни таъминлаш;
- хотин – қизларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш учун жамоат ва давлат ташкилотларини жибслаштириш;
- хотин – қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун маҳалла миқёсида ишлаш.

Хозирги пайтда ўттиз миллионга яқин аҳоли истиқомат қилса, ундан халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 50%ини аёллар ташкил этади. Аёллар мустақиллик ва тинчликни мустахкамлашда фаол иштирок этмоқдалар. Уларда фуқаролик жавобгарлиги ошиб бормоқда. Бу жавобгарликни қай далражада эканлиги уларнинг фаоллиги билан белгиланади:

- фуқаролик фаоллигини узлуксиз кучайтириш
- мустақиллик ва миллий тараққиёт ғояларига садоқат хиссини шакллантириш
- чуқур заковат билимларини шакллантириш, миллий қадриятлар ва анъаналарни ўрганиш
- бозор иқтисодиёти шароитларида ишбилармонлик, тадбиркорлик ва яратувчанлик каби сифатларни шакллантириш.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустахкамлаш уларни ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёллар ижтимоийлашуви учун қулай имкониятларни яратиб беради. Жамият ҳаётида ижтимоий фаол бўлган аёл ўз фарзандларини бугунги кун имкониятларигагина эмас, балки эртанги кун эҳтиёжларига таяниб тарбиялайди.